

«Чингизнома» Олтин Ўрда ва Козогистоннинг кўхна тарихидан, аникроги XIII—XVI асрлардаги тарихидан хикоя килувчи кимматли тарихий асарлар жумлаендан хисобланади. Лекин асар хозиргача жуда нам ўрганилган, тадқиқотчи олимлар унинг факт ва маълумотларидан деярли бахраманд бўлишмаган. Бунинг асосий сабаби асарнинг кам нусхада етиб келганлигидир. Бизга маълум бўлишича, «Чингизнома» нинг факат битта нусхаси сакланиб колган, холос. Ўша яккаю ягона нусха хозир Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институти кутубхонасида 1552/V ракам билан сакланмокда. У бошка олтига асар билан бирга муковаланган. Бу асарлар орасида хивалик машхур тарихчи олим Абулғозихонинг «Шажарайи тарокима» («Туркман халкининг шажараси») деган машхур асари хам бор. Лекин, афсуски, «Чингизнома» нинг бу нусхаси тўлик эмас. Вокеалар баёни машхур Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон тарихи билан узилиб колган.

«Чингизнома» бир вақтлар Хоразмда хукмронлик килган шайбонийлардан Эш султон (1558 йили ўлдирилган)нинг топшириги билан XVI асрнинг биринчи ярмида ёзилган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи асар мукаддимасида батафсил гапирган.

Асар муаллифи Ўтамиш хожи хакида жуда кам маълумотга эгамиз. Унинг хакида факат куйидагилар маълум. Отаси мавлоно Мухаммад Дўст ўзига тинч ва нуфузли одамлар жумласидан бўлиб, шайбонийлардан Илборсхоннинг саройида хизмат килган. Ўтамиш хожининг бобоси эса ўз вақтида шайбонийхонлардан Ёдгорхоннинг хизматида бўлган. Ёдгорхоннинг улуси Сирдарёнинг куйи окимида жойлашган бўлиб, хоннинг ўзи XV асрнинг 80-йилларида Шайбонийхон билан бўлган тунги тўкнашувда халок бўлган. Ўтамиш хожининг ўзи хам Илборсхон саройида мунший (котиб) бўлиб ишлагани маълум. Олим хакида хозирча бошка бирор нарса дейиш кийин.

«Чингизнома» хакидаги дастлабки маълумотни Е. Ф. Каль (1863—1891), В. В. Бартольд ра А. В. Валидийлар беришган. Хар учала олим хам «Чингизнома» ни диққатга сазовор асар деб бахолаганлар. Лекин шуни алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, «Чингизнома» ни ўрганиш борасида козогистонлик шаркшунос олим, мархум В. П. Юдиннинг хизмати салмокли бўлди. Олим бу асарни рус тилига таржима килиб, нашр этди (1992), «Чингизнома» материаллари асосида бир неча муҳим илмий маколалар ёзди.

Ха, хакикатан хам, «Чингизнома» диққатга молик муҳим тарихий асар бўлиб, асосан ривоятлар, муаллифнинг эшитган- укканлари ва кўрганлари асосида ёзилган. «Тарихий китоблардан, — деб ёзган эди академик Бартольд, — Ўтамиш хожи факат айрим хонларнинг номини кайд этган, холос. Хонлар хакида батафсил маълумот тополмаган... Ўтамиш хожи ўтган замонлар хакида билимдон одамлардан сўраб-суриштириб кўп ривоятлар тўплаган ва тез фурсат ичида ўзи хам ривоятларни яхши билувчи киши сифатида танилган». Хулласи калом, Ўтамиш хожи ўзига керак бўлган ривоятларни кунт билан битта-битталаб йигиб, Дашти кипчок ва Козогистон тарихидан катта фактик материал тўплади. Лекин улардан фойдаланганда танкидий услубга амал килди, ривоятларни бирма-бир ақл тарозисида тортиб, сўнг китобига киритди. «Уларнинг (Олтин Урда хонларининг — Б.А.) кечмишини ўрганиш борасида менда катта хоҳиш-интилиш бўлгани сабабли, — деб ёзади «Чингизнома» муаллифи, — фалон ерда

тарих ривоятларини яхши билган кекса одам борлигини эшитгудай бўлсам, тўхтовсиз унинг хузурига бордим ва сўраб-суриштириб, хакикатни билиб олдим, эшитганларимни бирма-бир ақл тарозусида тортиб, маъқулларини хотирамда сакладим, маъқул бўлмаганларини рад этдим». Ўтамиш хожига маълумот берганлар орасида савдогарлар, сайёҳлар, аслзодалар ва ҳатто хонлар ҳам бўлган. Бу хусусда муаллиф юкорида номи зикр этилган Илборсхонни алоҳида тилга олади. «У ривоятларни жуда яхши билар эди», — деб эслайди Ўтамиш хожи унинг хакида. Ўтамиш хожига тарих ривоятларини йиғишда якиндан ёрдам берганлар орасида Султон Гози султон хизматида бўлган хожитархонлик (астраханлик) хожи Ниёз, хитой-кипчок кабиласига мансуб бўлган Бобо Алибийлар ҳам бўлишган. «Бир сўз билан айтганда, — дейди Ўтамиш хожи пировардида, — хитой-кипчок кабиласидан чиққан ва илгари хожитархон хони Абдулкаримхоннинг катта бекларидан бўлган Бобо Али хожаси, яъни ўша Абдулкаримхон вафотидан кейин Маккаи Мукаррамани бориб зиёрат қилиб, хожи бўлиб қайтди. Шундан кейин у Султон Гозихоннинг хизматида кирди. Султон Гозихон ҳам тарих ривоятларини яхши кўрарди. Шу сабабдан хон хазратлари мenden сўрадилар: «Айтишларича, Тўхтамишхон Ўрусхон даргохидан қочиб бориб бу ерга келганмиш. Бу қандай юз берди?» Банда ўша Бобо Али хожидан Эшитганларимни унга хикоя қилиб бердим».

«Чингизнома» муаллифи хакида яна қуйидагилар маълум. У Хоразм ва Олтин Ўрданинг жанубий вилоятлари, хусусан Каспий денгизи соҳилидаги юртлар ва Волганинг қуйи оқимида жойлашган вилоятлар бўйлаб кўп саёҳат қилди. Бу ерда у нафакат тарихий, балки жўгрофий маълумотлар ҳам йиғди. Масалан, Олтин Ўрда хони Беркахон билан Дарбанд (Озарбайжон)га бостириб қирган Элхон Халокухон қўшинлари ўртасида бўлган уруш хакида батафсил хикоя қилади. Шу билан бирга диққатга сазовор мана бу маълумотларни ҳам келтиради: «Кулзум (Каспий) денгизи соҳили бўйлаб юрилганда, кўплаб дарё ирмоклари ва кўрфазларига дучкеласиз. Йўл ўша дарё ирмоклари устидан ўтади. Уша ерда кўплаб кум уюмларидан ҳосил бўлган баланд-паст тепаликларга дўчор келасиз. Бу ерларни Кир мачак деб аташади. Банда ўша ерларни бориб кўрганман». Айрим ўринларда олим Эш султоннинг оғаси Дўст султоннинг (у ҳаммаси бўлиб Хоразмни бир йил — 1557—1558 йили идора қилган) эсдаликлари (дафтари)га суянган. Биз буни Беркахон билан Халокухон қўшинлари ўртасида Дарбандда бўлиб ўтган урушга бағишланган бобда яққол кўрамыз. Бу ерда хусусан бундай дейилган: «Баъзи тарихчиларнинг айтишларича, ўша урушда Халокухоннинг ўзи шахсан иштирок этган. Унинг қўшини тор-мор этилган, Халокухоннинг ўзи бўлса ҳалок бўлган. Бирок, унинг ўша урушда ҳалок бўлганини ҳеч ким билмайди. Лекин хазрати олийлари Дўст султоннинг тарихида бундай дейилган: «Уша урушда ҳалок бўлган қўшин хусусида қайгу чекиб, у (Халокухон — Б. А.) оғир дардга чалиниб, ётиб қолди ва орадан икки ой ўтгандан кейин вафот этди». Яна бир мисол. Туглук Темур (шахсини аниқлаб бўлмади. Шайбон ўғилларидан бири Мергандан тугилган бир набираси Туга Темур деб аталган. Ушами ёки бошқасими, ҳозирча бу ҳақда аниқ бир нарсa дейиш қийин) хақидаги хикоятда мана бу сатрларни ўқиймиз: «Султонлар ифтихори олий хазрат Дўст султоннинг хотира дафтарида ёзилганки, мазкур Туга Темур улуг подшоҳ бўлган ва Самарканд билан Бухорони идора қилган».

«Чингизнома» нинг манбалари мана шулардан иборат.

Энди асарда келтирилган муҳим ва диққатга сазовор тарихий маълумотлардан айримларини келтирамыз. Бу маълумотлар баъзида учраб турадиган воқеаларга бир тарафлама баҳо бериш ҳолларини ҳисобга олмаганда, ўта муҳим ва кимматлидир.

Маълумки, Бердибек хукмронлиги (1357—1361) дан кейин Олтин Ўрдада феодал ва тожу тахт учун кураш ниятда кучайди. Ўтамиш хожи бу ҳақда мана бу маълумотларни келтиради: «Жонибекхоннинг (Ўзбекхоннинг ўртанча ўгли; 1341 — 1357 йилларда Олтин Ўрда хони) онаси Тайдули бегим Мангutoй Хизрхонни чакиртириб олиб, Сарой Берка мамлакати тахтига ўтказди». Хўш, бу Хизрхон дегани ким бўлди ўзи? «Чингизнома» муаллифи уни «Шайбон наслидан бўлган Мангutoйнинг ўгли ва Хизр ўғлон деб атардилар ва Соинхон (Ботухон) унга (Мангutoйга) Оккўл деган ердан улус тайин килган эди», дейди. Энди Хизр ўғлоннинг отаси Мангutoйнинг шахсини аниқлайлик. Машхур Эрон тарихчиси Рашидиддиннинг берган маълумотларига кўра, Шайбоннинг ўғиллари орасида Мангutoй дегани ҳам бўлган. Рашидиддин хусусан бундай деб ёзади: «Шайбоннинг учинчи ўгли Кадак. Унинг бир ўгли бўлган — исми Тўла Бука. Мазкур Тўла Буканинг икки ўгли бўлган. Тўнгичи Мангutoй, кенжатои Тумон Темур». Лекин Хизр ўғлоннинг Мангutoйнинг ўгли эканлиги хакида маълумот учратмадик. Аммо, нима бўлганда ҳам, Олтин Ўрда хонлари орасида Хизр номли хоннинг ўтганлиги маълум. У хакикатан ҳам Шайбон наслидан бўлиб, Иброҳим ўғлоннинг ўғлидир ва XIV асрнинг 60—70-йилларида Олтин Ўрданинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган шайбоний хонлардан бири бўлган. Умуман олганда, Ўтамиш хожининг Бердибекдан кейин Олтин Ўрдада ҳокимият шайбонийлар кўлига ўтганлиги хакидаги бу маълумоти ўта муҳимдир.

Маълумки, Шайбон огаси Ботухоннинг Русия, Крим ва Шаркий Оврупо мамлакатлари устига килган ҳарбий юришлари (1234—1238, 1239—1240) да фаол иштирок этган. Бу воқеалар Рашидиддиннинг юкорида тилга олинган китобида умумий тарзда қисқача баён этилган. «Чингизнома» да эса бу хусусда келтирилган маълумотлар бирмунча кенг бўлиб, орасида янгилари, шунингдек Рашидиддин келтирган маълумотларга аниқлик киритувчи далиллар ҳам бор. Бир-икки мисол келтирамиз. Рашидиддин Шайбоннинг биродарлари Бучак ва Бўри билан биргаликда 1238 йили Кримга килган юриши ва ўшанда Таткор калъасини (Кримнинг мустаҳкам калъаларидан бири) тасарруфига киритгани хакида ҳикоя қилади. Ўтамиш хожи Шайбоннинг ўша йили Кримнинг яна бир мустаҳкам калъаси — Киркёрни камал килгани ва узок вақт давом этган жанглардан сўнг ишғол килгани ва уни олишда ишлатган ҳарбий найранги хакида қизик маълумот келтиради: «Шайбонхон камал муддати чўзилиб кетгач, охири амирларга ва кўшинга: «корон- тутушиши билан то эрта тонгга қадар овоз чиқариши мумкин бўлган идишларни бир-бирига уриб овоз таратинглар», деб буюрди. Шу зайлда аскарлар ўн кун мобайнида кечаси билан тақир-туқир қилиб, калъа ахлининг қулогини қар қилдилар. Бир гуруҳ аскарлар шу иш билан банд бўлиб турганда, нақбчилар (зовур қазувчилар, ер ости йўли қурувчилари) чор тарафдан калъа дарвозаларига қараб нақб қазидилар. Натижада камалдагиларнинг қулоги қар бўлиб, чўқмок, теша ва кетмон овозини эшитмай гафлатда қолдилар». «Нақбларнинг қолдиги ҳозир ҳам кўзга ташланиб турибди», — дейди Ўтамиш хожи. Муҳими шундаки, Шайбонхон Кримда бир эмас (Таткор), балки икки калъа (Киркё)ни забт этган. Козогистонлик олима М. Х. Абусеитова ўзининг «Чингизнома» нинг русча нашрига ёзган изоҳларида Киркё Чўфит калъа номи билан машҳур бўлганлиги ва унинг Бахчасарой атрофида жойлашиб, 1299 йили туманбоши Мамай тарафидан вайрон этилганлигини айтади.

Шайбон Ботухоннинг Келор, Бошқирд ва Булор (Булгор)га қилган юришида ҳам иштирок этган ва жангларда ўзини яхши тарафдан кўрсатган. Бу ҳақда Ўтамиш хожининг мазкур асарида муҳим маълумотлар учратамиз. Муҳими шундаки, китобда мазкур вилоятлардан

бошка янги бир вилоят — Улок вилояти ҳам тилга олинган. Поляклар ва мижарлар (венгерлар) мамлакати Келар (Кодар) деб аталган. Буни мутахассис олимлар яхши билишади. Улок эса — бу мўгуллар 1239 йили забт этган Улокут бўлиши мумкин. Ўтамиш хожининг мана бу ахбороти ҳам диққатга сазовордир. У бундай деб ёзади: «Шундан кейин Шайбонхон Керол вилояти устига кўшин тортиди. Керол — катта вилоят. Уни ишгол қилиш учун кўп уруш бўлди. Охир-оқибатда Шайбонхон уни забт этди ва ўз пойтахтига айлантирди. Шайбонхон ўша вилоятда вафот этди».

Олтин Ўрда ва Козогистон тарихини ўрганувчилар учун хон Бердибек вафотидан кейин Дашти кипчоқда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар хакида «Чингизнома»да келтирилган мана бу маълумот ҳам ўта муҳимдир. «Унинг (Бердибекнинг — Б. А.) замонида, — деб ёзади Ўтамиш хожи, — фитна ва кўз- голонлар кўп бўлди. Киёт қабиласига мансуб бўлмиш [туман- боши] Мамай кўшиннинг ўнг қанотини олиб, ўзига тобе қабилалар билан Қримга кетиб қолди. Жир Хутлининг ўғли Денгиз Буко эса унинг сўл қаноти билан Сирдарё соҳилларига кўчиб кетди. Бердибекхон Сарой Берқада факат ичкилар (хон хизматчилари) билангина қолди. У уч йил Сарой Берқада хон бўлди, сўнг ўша ерда вафот этди».

«Чингизнома»да келтирилган маълумотларнинг муҳимларидан яна бир-иккитасини келтирамиз. Булардан бири — Дашти кипчоқда ислом динининг шойиъ бўлиши, унинг вақти хақидаги маълумотдир. Маълумки, кўпчилик тарихчиларнинг, ўтмишдагиларнинг ҳам, ҳозиргиларнинг ҳам фикрича, ислом бу улкан мамлакатда XIV асрнинг биринчи ярмида, яъни Ўзбекхон тахтда ўлтирган йиллар (1312—1342) да тарқалган. Ўтамиш хожи бу ҳақда бошқача, эътиборга молик фикр айтган. Унинг сўзларига қараганда, бу катта тарихий воқеа Ўзбекхондан қарийб 60—70 йил муқаддам, яъни Берқохон замонида юз берган. «Дашти кипчоқ мамлақати Берқохонга бўйсунгандан кейин, — деб ёзади Ўтамиш хожи, — у динсизларнинг кўпчилигини ислом динига қирғизди. Лекин Берқохон вафот этгандан кейин улар яна диндан чиқиб, эски аслига қайтдилар». Бундан Дашти кипчоқ халқи орасида ислом динини шойиъ этишга уриниш Ўзбекхондан 60—70 йил муқаддам юз берган, деган ҳулоса қилиш мумкин.

Яна бир факт. Жўчихон билан отаси Чингизхон ўртасидаги муносабат, анниқса ҳар иккаларининг умри охирида қандай кечганлиги хақида тарихий қитобларда ҳар хил фикр айтилган. «Табакоти Носирий» (тахм. 1260 йилда ёзилган) қитобининг муаллифи қози Минхожиддин Жузжоний (1193 йилда туғилган) бундай деб ёзади: «Жўчихон кипчоқ қўлининг об-ҳавоси ва сувларини қўриб, фазоси қенг, об-ҳавоси ёқимли, суви ширин, яйловлари қенг бунақа мамлакат дунёда йўқ, деб ҳисоблади ва қўнғлидан отасига қарши исён қўтариш ҳаёли қечди ва яқин қишлоғига деди: «Чингизхон ақлдан озибди, чунки кўп одамларни ўлдириб, мамлакатларни қайрон қилмоқда. Фикримча, уни овға махлиё қилиб, ўлдириш лозим. Сўнг Султон Муҳаммад Қоразмшоҳ билан яқинлашиб, давлатимизни раванг топтиришимиз ва мўмин-мусулмонларни қўллаб-қўлтиклашимиз зарур». Муаллиф сўзида давом этиб, Жўчихоннинг нияти ва режаларини Қигатойхоннинг отасига етказганлигини, Чингизхоннинг эса фитнанинг олдини олиб, бир гуруҳ одамларни Жўчихон ўрдасига жўнатганлигини ва фитначи ўғлини бир ёқлик қилганлигини таъкидлайди. Ота-бола ораси яхши бўлмаганлигини Рашидиддин ҳам айтган. У ҳусусан бундай деб ёзади: «Қоразм фатх этилгандан кейин Жўчихон Ардиш (Иртиш — Б. А.) бўйларига қараб йўл олди ва қориб угруқ ўрдусига қўшилди. Бундан сал илғари Чингизхон Жўчига шимолий мамлакатлар, яъни Қелор, Бошқирд, рус, черқас, Дашти кипчоқ ва бошқа мамлакатлар устига қўшин қортиш ва уларни бўйсундиришни

буюрган эди. У эса бундан бош тортиб, ўз юртига кетиб колгандан кейин Чингизхон беҳад даргазаб бўлди ва деди: «Мен уни жазога тортаман, [бундан буён] мендан меҳр-шафкат кўриб бўлибди», деди. Сўнг Чингизхон Чигатойхон ва Уггдойхон бошчилигида унга карши аскар юборди, лекин шу пайт Жўчихоннинг вафот этганлиги хакида мудҳиш хабар олинди». Шунга ўхшаш гап Махмуд ибн Валининг «Бахр ул-асрор» китобида ҳам учрайди. Хоразмлик машхур тарихчи Абулғозихон бу воқеа (Жўчихоннинг вафоти) отасининг ўлиmidан (1227 йил 25 августда) олти ой аввал содир бўлганлигини айтади. Хўш, бу ҳақда «Чингизнома»да нима дейилган? Унда бу ҳақда мана бу гаплар ёзилган: «Жўчихон Чингизхоннинг тўнгич ўгли эди. Чингизхон унга катта кўшин бериб, Дашти кипчокка тайин килди ва жўнаб кетаётганда деди: «Майли, ўша мамлакат отларинг учун яйлов бўла колсин. Унга Хоразмни ҳам кўшиб берди. Жўчихон Дашти кипчокка жўнаб кетди ва унинг машхур жойларидан бўлмиш Улугтоқка келиб тушди. Кунлардан бир куни тоғда кийик овида отдан йикилиб тушди ва бўйни синиб, казо килди». «Чингизнома» да келтирилган бу маълумотни батафсил изоҳлаб ўлтиришга эҳтиёж бўлмаса керак. Хаммаси ўз-ўзидан равшан. Биринчидан, «Чингизнома» нинг шарофати билан энди Жўчихон ўлган жойни аниқ биламиз — бу Улугтоғ, Марказий Козогистонда жойлашган машхур манзил экан. Жўчихоннинг айнан овда ўлганлиги масаласига келсак, бу масала ҳам тушунарли. Айнан ов феодал ҳукмдорлар учун ўз ракибларидан кутиладиган, уларни бир ёқлик киладиган бир чора бўлган. Хулласи калом, Ўтамиш хожининг «Чингизнома» асари Жўчи улуси ва Хоразмнинг ўрта асрлардаги тарихининг коронги тарафларини ёритишда муҳим манба ролини ўйнайди.

Бўрибой Ахмедов